



Received: August 5, 2021
Accepted: September 6, 2021
Available online: September 25, 2021

Азиза Ахмедова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
катта ўқитувчиси, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори
Тошкент, Ўзбекистон

Aziza Akhmedova

Senior Teacher, Uzbekistan State
World Languages University
Doctor of Philosophy in Philological Sciences (PhD)
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: aziza.ahmed@inbox.ru

ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада қиёсий адабиётшуносликнинг замонавий илмий асослари таҳлилга тортилди. Қиёсий адабиётшунослик фанининг ҳозирги кундаги аҳамияти турли нуқтаи назардан таҳлил этилган. Муаллиф мазкур соҳанинг истиқболи адабиётшуносликнинг қайси масалаларида кўпроқ муҳимлигини асослаб беришга ҳаракат қилади. Шунингдек фан методологиясининг ўзига хосликлари, асосий илмий йўналишлари ва фан номига оид фикрлар келтирилган. Миллий қиёсий тадқиқотларнинг ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Маълумки, адабиётшуносликнинг мустақил бир соҳаси сифатида қиёсий адабиётшунослик ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида вужудга келди. Мазкур соҳанинг ўзига хослиги шундаки, у миллий адабиётларни бир-бирига солиштириш йўли билан уларнинг дунё тамаддунида тутган ўрни ва ҳиссасини аниқлайди. Бадиий адабиётни ўрганувчи адабиётшуносликнинг соҳаларидан бири қиёсий адабиётшуносликнинг республикамізда нисбатан камроқ тадқиқ этилган йўналишлари мавжуд. Баъзи хорижий мутахассислар мазкур фан соҳасининг боши берк кўчага кириб қолганлигини ва истиқболсизлигини исботлашга уринмоқдалар. Кенг маънода қиёслаш бирор ҳодисанинг муштарак ва тафовутли жиҳатларини идрок этиш жараёнидир. Бироқ ушбу дисциплинанинг вазифаси Хдаги хусусиятларни Ҳда топиш билан чекланмайди. Аслида қиёсий адабиётшуносликнинг илм фан-

MODERN PRINCIPLES OF COMPARATIVE LITERATURE

ANNOTATION

The article deals with the analysis of modern scientific approaches to critical studies. The current importance of the science of literature critical studies has been analyzed from different perspectives. The author tries to justify in which issues of literature the perspective of this field is more important. There are also the peculiarities of the methodology of science, the main scientific directions and ideas about the name of the discipline. Special emphasis was placed on national comparative studies. It is well known that literature critical studies as an independent branch of science emerged in the second half of the nineteenth century. The uniqueness of this field is that it determines the place and contribution of national literatures to world civilization by comparing them with each other. There are relatively little-studied areas of literature critical studies in our country. Some foreign experts are trying to prove that the head of the discipline has stuck in a dead end having no perspectives. Comparison in the broadest sense is the process of perceiving the commonalities and differences of life events. However, the function of this discipline is not limited to finding the properties in X and in Y. In fact, what is the importance of literature critical studies as a science today? The article is devoted to a critical assessment of this issue from different perspectives. The peculiarities of the formation of the discipline are also analyzed. It is claimed that the task of the article is to teach students to use theoretical knowledge,

даги бугунги аҳамияти қандай? Мақола ушбу масалани турли нуктаи назарлардан танқидий баҳолашга бағишланган. Шунингдек мазкур фан шаклланишидаги ўзига хосликлар ҳам таҳлил этилади. Мақолада фаннинг вазифаси – талабаларга назарий билимлар, амалий кўникмалар, замонавий компаратив усул ва услубларидан фойдаланишни, ўрганилаётган адабиётнинг миллий ва маданий хусусиятларини фарқлашни, миллий адабиётнинг жаҳон адабиёти билан ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги тушунчаларни ва умумжаҳон адабий-тарихий муаммоларини қиёслашга ўргатиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқаришни ўргатишдан иборат эканлиги илгари сурилади. Умумий адабий қонуниятларни аниқлаш ва умумлаштиришда қиёсий адабиёт катта аҳамиятга эга. Айниқса, адабиётлар ўртасида алоқа бўлмаган ўхшашликларни ўрганишга бағишланган типологик тадқиқотлар назарий жиҳатдан самарали бўлиши ўз исботини топганлиги маълум. Ушбу мақола қиёсий адабиётшуносликдаги замонавий тамойиллар ва мулоҳазаларга бағишланган.

Калит сўзлар: қиёсий адабиётшунослик, компаративистика, контакт-генетик алоқа, типологик муштараклик, жанр, ижодий метод.

КИРИШ

Баъзан бадиий асарлар ўртасида шундай ўхшашликлар бўладики, уларни ҳеч бир ижтимоий-тарихий ҳодиса билан изоҳлаб бўлмайди. Бу эса яна бир бор миллий, диний, фалсафий, жўғрофий тафовутлардан қатъи назар башариятни бирлаштириб турувчи кўринмас, бироқ бақувват ришталар борлигидан далолат беради. Миллий адабиёт маданий мулоқотга қанчалик очик бўлса, унда яратилаётган асарлар жозибаси шунчалар юқори бўлади. Тарихдан маълумки, бирор миллий адабиёт жаҳон бадиий тафаккурдан айро ҳолда, биқиқликда ривожлана олмайди. Миллий адабиёт қанча кўп маданиятлар сарчашмасидан баҳраманд бўлса, шунчалар турфа ва умуминсоний жиҳатларга бой бўлади. Америкалик адабиётшунос олим Генри Ремак маданиятлараро коммуникацияда қиёсий адабиётшуносликнинг ўрни юқорилигини эътироф этиб, уни қўйидагича таърифлайди: Comparative Literature is the study of literature beyond the confines of one particular country and the study of the relationships between literature on one hand and other areas of knowledge and belief, such as the (fine) arts, philosophy, history, the social sciences, the sciences, religion, etc. on the other. In brief, it is the comparison of one literature with another or others, and the comparison of literature with other spheres of human expression [Remak, 1980; 429–37]. (Таржимаси:

practical skills, modern comparative methods and techniques, to distinguish between national and cultural features of the studied literature, to understand the relationship of national literature with world literature and to draw conclusions based on the analysis.

Key words: comparative literature, comparative studies, contact-genetic communication, typological affinities, genre, creative method.

“Қиёсий адабиётшуносликнинг тадқиқот объекти муайян давлат сарҳадлари билан чекланмай, бир томондан адабий алоқаларни ўрганса, бошқа томондан тафаккурнинг санъат, фалсафа, тарих, ижтимоий онг, фан ҳамда дин каби хилма-хил соҳаларини камраб олади. Қисқаси, у бир адабиётни бошқа бир адабиёт билан муқояса қилиш билан биргаликда, инсониятнинг хилма-хил фаолият турларини адабиёт билан қиёслайди”).

Ўн тўққизинчи асрдан бошлаб адабий ҳодисаларни тарихий аспектда қиёслаб ўрганишга эътибор кучайди, шунингдек, тарих фанининг ривожига ҳам соҳа раvнақи учун яхши муҳитни вужудга келтирди. Қолаверса, айнан шу даврда универсаллик руҳини тарғиб қилувчи асарларнинг пайдо бўлиши миллий адабиётларни бирбутун адабий жараён сифатида ўрганишни тақазо қилди. Немис мутафаккирларидан И.Г. Гердер, И.В. Гёте ва Г.Гейне, инглиз олимлари Ж.Денлон, М.Х. Познет қиёсий адабиётшуносликнинг илк назариётчилари ҳисобланади. Мазкур фан йўналишининг кейинги тараққиётида Ф.И. Буслаев, А.Н. Веселовский, А.А. Потебня, П.Н. Сакулин, В.М. Жирмунский, А.Ф. Лосев, Ю. М. Лотман каби рус олимларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этди.

Қиёсий адабиётшунослик термини ҳам ўн тўққизинчи асрнинг ўрталаридан қўлланиб келинмоқда. Ушбу бирикмадги “қиёсий” аниқловчи вазифасида келади. Аксарият европа тилларида ҳам айнан шундай ҳолат кузатилади:

Сравнительное литературоведение (рус.)

Comparative literature (инг.)

Vergleichende Literaturwissenschaft (нем.)

Litteratura comparata (итал.)

Француз тилида ҳолат бир оз бошқача, “literature compare’e”. Ушбу бирикмада адабиёт қиёслашнинг пассив объекти сифатида намоён бўлади. Р.Уэллекнинг фикрича, фан номи “адабиётни қиёсий ўрганиш илми” (comparative study of literature) бўлиши керак [Уэллек У.; Уоррен О., 1949; 323]. А.Дима эса фанни “қиёсий адабиётлар тарихи” деб номланиши тарафдори [Дима А, 1977; 208]. Ғарбда қиёсий адабиётшунослик фани “компаративистика” деб ҳам юритилади. Бироқ маълум ижтимоий-тарихий сабабларга кўра мазкур терминни совет илм-фани хайрихоҳлик билан кутиб олмади. Қиёсий адабиётшунослик тараққиётининг даслабки босқичларида тадқиқотларда европоцентризм руҳи кучли эди. Компаративизм асосан, ўрта асрлар адабиётидан бошлаб ўрганган ва европа минтақасидагина яратилган асарларни камраб олаётган эди. Адабиётшунос, шарқшунос рус олими Н.Конрад ўз асарларида қиёсий тадқиқотлардаги европоцентризм етакчилигини танқид қилиб, соҳанинг маконий ва замоний чегараларини кенгайтиришни тарғиб қилди. Айтиб ўтиш жоизки, ўша вақтгача Шарқий Европа адабиёти ҳам эътибордан четда эди. Компаративизмга нисбатан салбий қарашларнинг яна бир сабаби – фан мақсадларининг нотўғри талқин этилишидир. Узоқ йиллар компаративистик тадқиқот бир қанча халқларга мансуб асар сюжетининг ягона негизга бориб тақалишини исбот қилишга асосланади деб тушунилган. Яъни бу ҳолатда миллий ўзига хослик, халқнинг яратувчанлик маҳорати назардан

четда қолади деб ҳисобланган. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қиёсий адабиётшуносликда юқорида келтирилган “сайёр сюжет” назариясидан бошқа, миллий адабиётларнинг ўзига хослигини тан олувчи, индивидуал хусусиятларни эҳтиром этувчи назариялар мавжуд. Қолаверса, шўро давридаги “темир парда” сиёсати ҳам компаративизмнинг жадал ривожланишига йўл бермаган. Шу тўсиқларга қарамасдан Шарқий Европада ҳам Ўрта Осиёда ҳам мазкур фан тараққиёти секинлашган бўлса-да, тўхтаб қолган эмас. Миллий фанимизда ушбу йўналишда бажарилган тадқиқотлар етарли бўлса-да, кўплаб масалалар бўйича яқдил хулосага келинмаган. Фикримизча, қиёсий адабиётшунослик назарияси ва методологиясининг кенг тадқиқ этилишининг аҳамияти қўйидаги масалаларни оидинлаштиришга хизмат қилади:

Жанрлар канонларини ягона миллий адабиётшунослик доирасида аниқлаш ва уларнинг таърифини ишлаб чиқиш мушкул. Ҳар бир давр адабиётидаги жанрлар тизими адабий анъаналарнинг давоми ва адабий алоқалар натижаси ўлароқ янада ранг-баранг тус олади: фаол жанрлар билан бир қаторда анъанавий ва хорижий адабиётлардан ўзлашган жанрлар ҳам истеъмолда бўлади [Қуроноф Д., Мамажонов З., Шералиева М., 2013; 406]. Демак, жанрлар тизимини ўрганишда нафақат синхрон ва диахрон аспектлар, шунингдек қиёсий-тарихий ҳамда қиёсий-типологияк тадқиқотлар ҳам асосли илмий хулосалар беради. Шу ўринда ижодий методларга ҳам эътибор қаратиш зарур. Адабиёт тарихида барча ижодий методлар муайян ижтимоий эҳтиёжларнинг тақозоси, ижод тажрибасининг натижаси ва адабий малаканинг назарий умумлашмаси сифатида майдонга келади. Ижтимоий методларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва алмашилиши ижтимоий-тарихий шароитларга боғлиқдир. Бир адабий ҳодиса сифатида пайдо бўлган муайян ижодий метод турли миллатлар адабиётида ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Жумладан, адабиётимиздаги реализм серқирра ва талай ноёб хусусиятларга эга. Айнан шу хусусиятларни илмий асослаш ва оммалаштириш учун қиёсий йўналишдаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ғарбда ўзбек миллий адабиётининг идрок этилишида афсуски, чалкашликлар ва хатоликлар йўқ эмас. Германиядаги AVICENNA журнали бош муҳаррири, профессор Ҳ.Раҳимов ўз мақоласида мазкур ҳолатга алоҳида тўхталади. Жумладан, олимнинг таъкидлашича, Ингеборг Балдауф Алишер Навоийни уйғур адиби сифатида талқин этган. Шунингдек, олима Учқун Назаровнинг “Чаён йили” романи таржимасига берган изоҳларида ўзбек адабий тили ва адабиёти асосчиси мақомини Заҳириддин Муҳаммад Бобурга муносиб кўради, деб ёзади Ҳ.Раҳимов ва айрим хорижлик адабиётшуносларнинг Навоий “Ҳамса”сини бошқа муаллифлардан кўчирилган ёки таржима қилинганликда гумон қилишларини афсус билан таъкидлайди [Раҳимов Ҳ., 2018; 31–43]. Б.Каримнинг “Ингеборг Балдауф айтадики...” мақоласида Фитратни атеист шоир сифатида талқин қилиниши жиддий танқидга учрайди [Каримов Баҳодир., 1993; 5]. Таржимашунослик фаолиятининг жадал ривожланиётганига қарамай, қиёсий адабиётшунослик соҳасида ҳийла орқада қолаётганимиз аёнлашмоқда.

Зеро, адабий ҳодисаларнинг моҳиятини халқаро контекстда намоён қилишда қиёсий адабиётшуносликнинг аҳамияти улкан эканлиги шубҳасиз.

Замонавий қиёсий адабиётшунослик фанини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этганда, миллий адабиёт ва жаҳон адабиёти контексти муносабатларини бутун – қисм эмас, балки система-элемент муносабати орқали тушуниш тўғрироқ. “...Система ўз таркибида нисбатан мустақил бутунларни ҳам қамраб олади. Сўнгра “бутун” деганда системали ташкилланишдаги ўзига хос бирликка урғу берилса, “система” да хилма-хилликдаги бирлик тушунилади [Фалсафа асослари., 2005; 382]. Бутун-қисм муносабатида қисм бутунга хос белгиларнигина ўзида мужассамлаштиради, мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайди. Бироқ система-элемент муносабатида, элемент системага нисбатан ҳар доим бошқа сифатдаги объект ҳам бўла олади [Фалсафа асослари., 2005; 382]. Демак, адабий қиёсий тадқиқотлар миллий адабиётларни жаҳон адабиёти системасидаги мустақил элементлар эканлигини исботлайди ва ундаги индивидуал хусусиятларни яққол намоён этади. Шунингдек, қиёсий адабиётшунослик миллий адабиёт намуналарини бир-бирига солиштириш йўли билан уларнинг дунё тамаддунида тугган ўрни ва ҳиссасини аниқлайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

И.Г. Неупокоева қиёсий адабиётшуносликнинг вазифаларига тўхталар экан: “Жаҳон адабиёти контекстида типологик ҳодисаларнинг ўрганилиши асносида, қиёсий метод нафақат муштаракликларни, балки жаҳон бадиият уфқларидаги жорий жараёнларнинг фарқларини ҳам кашф этади” деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, умумий муштаракликлар, албатта, тафовутларни ҳам юзага чиқаради. Зеро, ҳар бир санъат асари бетакрордир. Компаративист олим Рене Уэллек “The Crisis of Comparative Literature” (“Қиёсий адабиётшунослик инқирози”, – тарж. А.А.) деб номланган маърузасида [Wellek R., 2009; 72] қиёсий адабиётшунослик бўйича илмий ишларда тарихий тағматн эмас, балки бадиий асарнинг ўзи тадқиқот объекти бўлиши, “бадиийлик масалалари” (“the problem of literariness”) марказий масала сифатида ўрганилиши “соҳани турғунликдан олиб чиқади” деган хулосага келган. Компаративистикада назарий масалаларга урғу бериш тамойили “new paradigm” [Culler J., 1979; 84] (“янги парадигма”, – тарж. А. А.) деб номланган ёндашувда ҳам кузатилади. Гарчи айрим олимлар [Guillen C. 1993; Bassnet S., 1993; Spivak G., 2003] соҳанинг методологик муаммолари ҳақида ёзаётган бўлсалар-да, умумадабий қонуниятларни кашф этишга бўлган интилиш, турли миллатларнинг маданиятини, бадиий тафаккурини англашга бўлган эҳтиёж туфайли қиёсий тадқиқотлар сони кўпайиб бормоқда. Мазкур тадқиқот эстетик идеални бадиий образ орқали акс эттиришнинг ҳам Ғарбга, ҳам Шарққа хос поэтик қонуниятларни кашф этиш йўлидаги уринишлардан биридир. Айтиш жоизки, Р.Этьембл [Etiemble R., 2013], К.Гуилен [Guillen C., 1993], Эрл Минер (Miner E., 1990) каби компаративист олимлар Шарқ ва Ғарб адабиёти бўйича қиёсий тадқиқотлар (East/West Studies. – изоҳ. А.А) истиқболли йўналиш эканини эътироф этадилар.

Киёсий адабиётшуносликнинг тадқиқот методи икки йўналишда амалга оширилади: 1) ўзаро алоқага эга адабий ҳодисаларни киёсий ўрганиш (контакт-генетик алоқалар); 2) адабий ҳодисаларни киёсий-типологик ўрганиш (типологик умумийлик ва типологик ўхшашликлар) [Шоназаров Ю., 1987; 66–70]. Биринчи йўналиш, асосан, ўзаро алоқага эга адабий ҳодисаларни тадқиқ этишни назарда тутса, иккинчи йўналиш типологик умумийликларга эга ҳодисаларни ўрганади. Типологик алоқани тарихий поэтика асосчиси А.Н. Веселовский муайян адабиётда бирор ҳодисанинг “ўз-ўзидан туғилиши” [Веселовский А., 1940; 498] билан изоҳлайди. В.М. Жирмунский ушбу адабий ҳодисани “стадиал аналогиялар” ёки “стадиал параллеллар” [Жирмунский В. М., 1958; 149] деб номлайди. Д.Дюришин контакт-генетик алоқа билан боғлиқ бўлмаган ҳодисаларни “типологик ўхшашликлар” [Дюришин Д., 1979; 183] деб атайди. Олимнинг фикрича, “...ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни фақат адабий йўналишлар, жанр ва жанр кўринишлари доирасида эмас, балки ғоявий-психологик йўналиш, персонажлар тавсифи, композиция ва сюжет қурилиши, мотивлар, образ тизими ҳамда бадиий асар асосини ташкил этувчи компонентларни назарда тутган ҳолда ҳам таҳлил этиш керак” [Дюришин Д., 1979; 183]. Типологик ўхшашликлар олимлар томонидан турлича номланишига қарамай, уларда моҳиятан айнан бир адабий ҳодисанинг назарий муаммолари ҳақида фикр юритилмоқда. Ўзаро контакт алоқаларга эга бўлмаган адабиётларда учрайдиган муштарак ҳодисалар типологик йўналишнинг асосини ташкил этади. А.Қосимов тўғридан-тўғри алоқа мавжуд бўлмаган ҳолатларда учрайдиган адабий муштаракликларни “бир хил ёки бир-бирига яқин тарихий-ижтимоий шароитларда яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин” [Қосимов А., 2007; 24], деб талқин қилади. Адабий ҳодисаларни типологик тадқиқ этишнинг назарий-методологик масалалари Г.Гуковский, В.Я. Пропп, А.П. Скафтимов, Н.Конрад, Е.Мелетинский, Б.Н. Путилов каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Натижада адабий ҳодисаларнинг типологик тадқиқ қонуниятлари ишлаб чиқилди. Адабиётга киёсий-тарихий ёндашишдан фарқли ўлароқ, типологик тадқиқ, М.Б. Храпченконинг эътироф этишича, “...ҳодисанинг индивидуал хусусиятлари, ўхшашликлари ва (тарихий – изоҳ бизники. А.А.) алоқасини аниқлаш билан чекланмайди, балки ҳодисага хос бўлган шундай тамойил ва ибтидоларни кашф этадики, натижада адабий-эстетик умумийлик ҳамда мазкур ҳодисанинг қайси типга ёки турга мансублиги маълум бўлади” [Храпченко М. Б., 1977; 270].

В.М. Жирмунский адабиётни типологик ўрганишда аҳамият берилиши лозим бўлган ҳолатларни тавсифлар экан, ҳар икки гуруҳни ҳам ҳисобга олади:

1. Адабий таъсирни оддий қиёслаш чуқур қиёсий-тарихий текшириш асосида намоён бўлади.

2. Тарихий-типологик қиёслаш ижтимоий тараққиёт шарт-шароитидан келиб чиқадиган, лекин адабиётларнинг қариндошлигига боғланмайдиган воқеалар билан изоҳланади.

3. Тарихий-қариндошлик асосида қиёслаш усулида келиб чиқиши

жиҳатидан қариндош бўлган, лекин даврлар ўтиши билан тарқоқ ҳолга келиб қолган адабиётлар ўрганилади.

4. Халқлар адабиётининг ўзаро таъсир ва алоқаларини қиёсий ўрганишда тарихда бир-бирига яқин яшаган халқлар ҳамда уларнинг жамият тараққиётидаги шарт-шароити асос қилиб олинади [Жирмунский В.М., 1958; 435].

В.Жирмунскийнинг типологик тадқиқ бўйича қилган назарий қарашлари аксарият компаративистлар томонидан қўллаб-қувватланиб, давом эттирилган. Жумладан, рус олими А.Кокорин типологик муқоясанинг тўрт шаклини санаб ўтади, булар: бир макон ва бир замон; бир макон ва ҳар хил замон; бир замон ва ҳар хил макон; ҳар хил макон ва замонлар [Кокорин А.А., 2009; 31– 32].

Қиёсий-типологик ёндашув асосида таъсир ва ўз-ўзидан туғилиш ҳодисасининг ўзаро диалектик муносабати ётади. Типологик таҳлил кўпроқ фольклоршуносликда, халқ оғзаки ижодини ўрганишда кенг қўлланилган. Чунончи, В.М. Жирмунскийнинг “Алпомиш” достонини Европа халқлари эпослари билан қиёслаб ўрганган типологик таҳлили аҳамиятга молик. Жирмунскийнинг ушбу тадқиқоти типологик алоқа турининг икки қонуниятини юзага чиқарди: эпослардаги муштараклик қардош халқларда ёки ижтимоий шароити ўхшаш миллатларда кузатилади. Стадиал аналогияларнинг “соф ҳодисалари” Шарқ ва Ғарбнинг қадимги адабиётларини кенг миқёсда таққослаш пайтида юзага келади [Конрад, 1972]. Табиийки, фан ва технологик тараққиёт шиддат олган йигирманчи асрда миллий, маданий ахборот алмашинуви муқаррар экан, бирор адабий ҳодисанинг бутунлай мустақил равишда, ўз-ўзидан туғилиши кам учрайди. Ўтган асрда пайдо бўлган глобаллашув, мультикультуризм каби тушунчалар дунё халқлари ҳақидаги концептуал тасаввурларимизни тубдан ўзгартирди. Муайян санъат асарини турли шаклларда хилма-хил ахборот манбаларидан қабул қилиш алоқага боғлиқ бўлмаган типологик “соф ҳодисалар”нинг вужудга келиш имкониятини пасайтиради. Шу ўринда, компаративистиканинг тамойилларидан бири — “дуч келувчи оқимлар” [Веселовский А.Н., 1940] ҳақида эслаш жоиз. Адабиётшунос олим А.Веселовскийнинг ушбу назарияси адабий ўзлаштириш ва “ўз-ўзидан туғилувчи ҳодисалар” каби бир-бирига тескари тушунчаларни уйғунлаштиришга хизмат қилди. “Дуч келувчи оқимлар” тушунчаси агар ижтимоий шарт-шароит етилмаган бўлса, ҳеч бир ўзлаштириш содир бўлмайди, деган фикрни илгари суради. Ушбу назария ҳар икки алоқа шаклига ижоднинг айланма ҳаракатини таъминловчи яхлит жараённинг қисмлари сифатида ёндашиш мумкинлигини тасдиқлайди. Жаҳон халқларининг санъат ва маданият бобида ўзаро алоқалари чегара билмаслиги ҳақида гапирар экан, Фозила Сулаймонова “Аммо четдан бўлган таъсир ҳамма вақт ҳам қабул этилавермаган. Жамият тараққиётида бошқа таъсирга эҳтиёж туғилгандагина, у ўзлаштирилади. Лекин маълум ғоялар айнан қабул қилиниши шарт эмас, қабул қилувчи ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзига мослаб ўзгартариши ҳам мумкин” [Сулаймонова Ф., 1997], – деб айтади. Кўринадики, Ф.Сулаймонова ҳам қабул қилинаётган ҳодиса учун миллий адабиётнинг бадиий савияси ўзлаштиришга тенг ва тайёр бўлишини муҳим

деб ҳисоблайди. Ҳозирги замон компаративистикасининг энг муҳим ғоялари сирасига таъсир қилиш ва қабул қилиш актларининг тенг қимматга эга бўлиши ғояси киради [Дюришин Д., 1997; 143]. Демак, миллий адабиётлар-аро мулоқот табиати ранг-баранг ва мураккаб, ҳар икки йўналиш муносабати диалектик характерга эга, яъни бир-бирини тўлдиради.

Қиёсий-типологик тадқиқотнинг адабий ҳодисаларни ўрганишдаги самарали жиҳатлари ҳақида гапирар экан Ю.Шоназаров қуйидаги хулосаларга келади: 1) қиёсий ўрганиш ўзаро алоқага эга бўлган ҳодисалар билан чекланади. Қиёсий-типологик ўрганиш эса кўпроқ алоқага эга бўлмаган, шу билан бирга алоқага эга бўлган ҳодисаларни қамраб олади; 2) қиёсий-типологик ўрганишнинг қиёсий ўрганишга нисбатан универсаллик, системалилик табиати устун бўлиб, уни адабий жараённинг улкан ва мураккаб, комплекс ҳодисаларига, жумладан, регионал, континентал адабий жараёнларнинг умумий ва хусусий специфик қонуниятларини ўрганишга ҳам татбиқ этиш мумкин; 3) адабиётни қиёсий-типологик ўрганишнинг яна бир муҳим қиммати шундаки, у катта ёки кичик адабий ҳодисаларнинг ҳам умумий, ҳам хусусий қонуниятларини ўрганишнинг энг қулай воситасидир [Шоназаров Ю., 1992]. Дарҳақиқат, типологик тадқиқот натижалари адабиётшуносликнинг барча соҳалари учун бақувват илмий асос беради ва методологик аҳамиятга эга.

А.Дюришин адабий типология ҳақида тўхталиб, муштараклик уч хил омил асосида воқеланишини таъкидлайди ва ўхшашликларни уч гуруҳга ажратиб кўрсатади: ижтимоий-типологик, адабий-типологик ва психологик-типологик.

1. *Ижтимоий-типологик муштараклик*. Бунда асарда рўёбга чиқаётган ижодий ният муайян ижтимоий-тарихий давр инъикоси сифатида тушунилади. Муаллифни шахс сифатида шакллантирган ижтимоий муҳит унга ижод учун мавзу ва ҳаётини материал беради. Демак, асарлардаги ўхшашликнинг илдиизи ижодкорлар мансуб бўлган жамиятдаги ўхшаш муҳит билан изоҳланиши мумкин. Муштарак адабий ҳодисаларнинг ижтимоий асосланганлиги ҳақида А.Веселовский ўз асарларида асосли фикрларни айтилган. Чунончи, А.Веселовскийнинг изоҳлашича, ҳар бир ижодкор, аввало, муайян адабиёт вакили. Тарих илмида бўлгани каби адабиёт тараққиётида ҳам ижтимоий ибтидо шахсий ибтидодан олдин юради. Олимнинг: “Шоир туғилади, бироқ у ижод қиладиган ҳаёт материали ва кайфиятни жамият (омма) олдиндан тайёрлаб қўяди. Айтиш мумкинки, петраркизм Петраркадан қадимийроқ” [Веселовский А.Н., 1940; 215], – деган фикрдан маълум бўладики, эстетик тафаккур ва ижтимоий тараққиёт узвий алоқадорликда ривожланади. Ижтимоий-типологик ўхшашликлар тарихий давр, иқтисодий-маданий тараққиёт ва муйян жамиятда етакчи бўлган ғоявий омилларни ҳисобга олади. Шунинг учун эстетик онга таъсир қилган барча онг шакллари кенг таҳлил қилинади. Одатда, бир хил ижтимоий тараққиётни бошидан кечираётган муҳитлар адабиётида ушбу типологик тур кўпроқ учрайди. Бунда адабий ҳодисаларни таҳлил қилиш жараёнида ижтимоий-тарихий воқеликни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

2. *Адабий-типологик муштараклик*. Мазкур турдаги ўхшашлик соф

адабий ҳодисага асосланади [Халлиева Г., 2019; 48]. Асарнинг бадиятини, шаклий ва мазмуний компонентларини ташкил қилувчи барча тушунчалар тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Адабий-типологик таҳлил адабиёт назариясига уйғун ҳолда олиб борилади. Адабий жараённинг “юқори” ва “қуйи” (Д.Дюришин) бирликлари қамраб олинади. Қиёсий-типологик ўрганишда “қуйи” бирликларни муқояса қилиш ҳулосалари натижасида адабиёт назариясининг умумий қонуниятлари кашф этилади. Мисол учун, ушбу тадқиқотда, икки романдаги идеал қаҳрамон “қуйи” адабий бирлик ҳисобланса, таҳлил ҳулосалари реализм, реализм эстетикаси каби “юқори” адабий бирликлар ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, жанрлар тадқиқининг ҳам адабий-типологик йўналишида олиб борилиши кўп учрайди. Маълумки, жанрларнинг канонларини аниқлаш ва таърифини ишлаб чиқишни ягона миллий адабиётшунослик доирасида амалга ошириш мушкул, шунингдек бунда мухтасар илмий ҳулосалар бериб бўлмайди. Ҳар бир давр адабиётидаги жанрлар тизими адабий анъаналарнинг давоми ва адабий алоқалар натижаси ўлароқ янада ранг-баранг тус олади: фаол жанрлар билан бир қаторда анъанавий ва хорижий адабиётлардан ўзлашган жанрлар ҳам истеъмолда бўлади [Курунов Д., 2013; 99] Асарларни қиёслашда, бир хил жанрга мансублик, шубҳасиз, хусусий ҳодисалар мисолида умумида адабий қонуниятлар ҳақида ҳулоса чиқаришга хизмат қилади. Шу билан бирга, ижодий методлар ҳам адабий-типологик тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Адабиёт тарихида барча ижодий методлар муайян ижтимоий эҳтиёжларнинг тақозоси, ижод тажрибасининг натижаси ва адабий малаканинг назарий умумлашмаси сифатида майдонга келади. Ижтимоий методларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва алмашилиши ижтимоий-тарихий шароитларга боғлиқдир. Бир адабий ҳодиса сифатида пайдо бўлган муайян ижодий метод турли миллатлар адабиётида ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Жумладан, адабиётимиздаги реализм серқирра ва талай уникал хусусиятларга эга. Айнан шу хусусиятларни илмий асослаш ва оммалаштириш учун адабий-типологик тадқиқот ҳулосалари муҳим аҳамият касб этади.

3. *Психологик-типологик муштараклик.* Ушбу ўхшашлик ижодкор шахсининг индивидуал-психологик жиҳатларини қамраб олади. Бунда кўпроқ ижод психологиясига эътибор берилади. Адабий ҳодисадаги муштараклик муаллифлар табиятидаги руҳий яқинлик билан изоҳланади. Адабиётшунос Цезар Домингез психологик-типологик ўхшашлик ҳақида тўхталар экан қўйидаги мисолни келтиради:

“When William Faulkner, for example, was questioned as to the influence of James Joyce on his writing, an obvious question as his narrative technique seems so similar to that created by Joyce in *Ulysses* and *Finnegan’s Wake*, his response was to admit the similarities between the works, but to protest that he had achieved his style before having read Joyce. The key, according to Faulkner, lay in the fact that “there must be a sort of pollen of ideas floating in the air, which fertilizes similarly minds here and there which have not had direct contact” [Domínguez César, 2015] (Таржимаси: Уилям Фолкнердан унинг ривоя техникаси Жеймс Жойснинг

“Уллис” ва “Финнеган Уэйк” асарларига монандлиги ҳақида сўралганида, у асарлар ўртасидаги ўхшашликни рад этмайди, бироқ ўзининг услубига ҳали Жеймсни ўқишдан олдин эришганини таъкидлайди. “Ишонаманки, ҳавода сизиб юрувчи шундай ғоя заррачалари борки, улар турли жойларда бўлган, бироқ бир-бирига алоқаси бўлмаган ўхшаш тафаккурларни озиқлантиради”, – деб буни изоҳлайди Фолкнер).

Демак, ўхшашликнинг ушбу тури қиёсий таҳлилдаги хусусий поэтика, ижод психологияси сингари йўналишлар билан кесишадиган тур ҳисобланади.

Д.Дюришин таржима генетик контакт алоқаларига мансублигини таъкидлайди. Олим контакт алоқаларини ички ва ташқи турларга бўлар экан, таржимани ҳар иккала турга мансублигини изоҳлайди. Агар мутаржим таржимада нафақат шаклни, балки мазмунни ҳам сифатли бера олса адабиётлараро мулоқот ўрнатилади ва натижада ички контакт алоқалари содир бўлади. Таржиманинг уни қабул қилаётган адабиётга таъсири, аҳамиятини ёритиш қиёсий тадқиқот учун муҳим хулосалар чиқаришга туртки бўлади. Дюришин таржиманинг адабий алоқаларда икки хил позицияда учрашини таъкидлаб, уларнинг биринчиси адабий воситачи бўлса, иккинчиси, рецепция шаклларида биридир [Дюришин Д., 1997; 162], – деган фикрни илгари суради. Бадиий таржима миллий адабиётларни янги шакл ва мазмун билан бойитувчи, турли миллатлар тафаккур тарзини, маданиятини бир-бирига таништирувчи восита, ришта вазифасини ўтайди. Бадиий таржима назарияси ҳам фан сифатида ўзининг мухтасар методологиясига эга. Қиёсий адабиётшунослик муайян масалаларда бадиий таржима билан кесишади. Хусусан, бирор адабий ҳодисанинг келиб чиқиши контакт алоқа натижаси эканлигини асослаш ёки адабий жараёнда пайдо бўлган тенденцияларни изоҳлаш эҳтиёжи икки фан йўналишининг ҳамкорлигини тақозо этади. Академик Н.И. Конрад “Адабий алоқалар масаласига доир” деб номланган мақоласида айтишича, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон халқлари адабиётининг реализм байроғи остида бир-бирига яқинлашуви авж олди [Худойбердиев Э., 2008; 171]. Миллий адабиётга бошқа адабиётнинг яқинлашуви Конраднинг таъкидлашича, аслиятнинг кириб келиши, бадиий таржима ҳамда даҳо ёзувчилар шахсига кизиқиш орқали амалга ошди. Табиийки, ушбу адабий жараён ўзбек насрига ҳам таъсир қилмай қўймади.

Адабий таъсир ва адабий ўзлаштириш муаммоларига янгича қарашнинг вужудга келишида В.М. Жирмунскийнинг илмий фаолияти ўзига хос ўринга эга. Олим ўзининг “Байрон и Пушкин” асарида адабий таъсирни адабиётлар ўртасидаги ижодий диалог даражасига кўтаради ва Ғарб адабиёти билан мулоқот Пушкинга жаҳон маданий меросидан ижодий илҳом олиш йўлини очгани ҳақидаги фикрга келади [Жирмунский В.М., 1978; 391]. Ижодкорнинг адабий жараёндаги турли қадрият ва анъаналардан таъсирланиши унинг тасаввури саёзлигини билдирмайди. Аксинча, муаллифнинг турфа ижодий турткиларга очиқлигини, асарнинг эса сермазмунлигини таъминлайди. Бадиий асарнинг ўзига хослиги, унинг “биқиқлиги”, ўз доирасида ўралиб қолганлиги билан эмас,

балки унинг дунёвий адабий майдон билан бўлган ришталари, кенг маънодаги адабий ҳаётга боғлиқлиги билан ўлчанади. Кучли истеъдод соҳиби учун таъсир қўшимча омил бўлиб, ижодкордаги оригинал ғоялар мазмунан бутунлай янги асарнинг туғилишига йўл очади. Миллий адабиёт маданий мулоқотга қанчалик очик бўлса, унда яратилаётган асарлар жозибаси шунчалар юқори бўлади. Тарихдан маълумки, бирор миллий адабиёт жаҳон бадиий тафаккуридан айро ҳолда, ўз қобиғида ривожлана олмайди. Миллий адабиёт маданиятлар сарчашмасидан қанча кўп баҳраманд бўлса, шунчалар турфа ва умуминсоний жиҳатларга бой бўлади.

Шу ўринда, мисол тариқасида С.Льюиснинг “Эроусмит” ва П.Қодировнинг “Уч илдиз” асарларига мурожаат қиламиз. Ҳар икки романнын бадиий сатҳларида жаҳон ҳамда миллий адабиётнинг ёрқин намуналари билан интертекстуал боғлиқлик кузатилади. Хусусан, “Эроусмит” романида жаҳон адабиётининг дурдонасига айланган кўплаб бадиий асарларнинг “из”ларини кўриш мумкин. “Эроусмит” романининг қаҳрамони Мартин Эроусмитнинг Тургеневнинг “Оталар ва болалар” романи қаҳрамони Базаров билан ўхшашлигини ҳақида тадқиқотчи Тамара Мотилева “Синклер Льюис и его лучшие романы» (“Синклер Льюис ва унинг энг яхши романлари”) [Льюис С. 1973; 5-20] мақоласида эътироф этади. Бу тасодифий эмас, чунки А.Гиленсоннинг таъкидлашича, С.Льюис 1943 йили Тургеневнинг “Оталар ва болалар” романининг инглизча таржимасига кириш сўзи ёзган [Гиленсон А.Б., 2003; 360]. Шунингдек, асардаги вабо лавҳаларини А.Камьюнинг “Вабо” романига монандлиги кўпчилик танқидчилар томонидан айтилган. Синклер Льюис қаҳрамон яратиш маҳоратининг Сервантесга қиёсланган тадқиқот ишлари ҳам мавжуд [Light M.,1976; 277-279]. Шунингдек, “Эроусмит” романининг қаҳрамони Готлиб ва Конан Дойлнинг Шерлок Холмс образи ўртасидаги умумийликлар ҳақида Роберт Корд ўз мақоласида [Coard L.R.,1985; 565-571] батафсил тўхтаган. Атоқли адибимиз П. Қодиров “Уч илдиз” романида “талаба-ёшлар, зиёлилар ҳаётига мурожаат этар экан, сал бурун ўзи меҳр қўйиб таржима қилган К. Фединнинг “Илк севинчлар” романи қатори “Сароб” тажрибаларидан руҳланади, озик олди” [Каримов Н.,1989;425]. Хусусан, П.Қодиров А.Қаҳҳорнинг маҳорати сирларини тадқиқ қилиш жараёнида адибнинг “Сароб” романидан ижодий қувват олганлиги ҳақида ўз мақолаларида эътироф этади. Шунингдек, “Уч илдиз” романи яратилиши арафасида П.Қодировнинг Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи билан танишиши ҳам ёзувчи услубига кучли таъсир қилган эди. Англашиладики, юқори интертекстуаллик даражаси “Эроусмит” ва “Уч илдиз” романларининг бадиий жилосини оширган.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Типологик тадқиқот учун объект бўладиган асарларни танлаш принциплари қиёсий адабиётшуносликда муаммоли бўлиб келган. Ушбу масалада академик М.Б. Храпченко адабий типологик тадқиқотларда “ижтимоий-структур принцип”ини (социально-структурный принцип) [Храпченко М.Б.,1977; 282]

таклиф этади. Олимнинг фикрича, бадиий асарнинг асосий конфликтда ва ушбу конфликтнинг бадиий ифодасида, уни акс эттириш услубида намоён бўлган ўхшашликлар типологик тадқиқот учун манба танлашда ёрдам беради. Мисол тариқасида юқорида таҳлил қилинган икки романда қаҳрамонларнинг ички зиддияти, қаҳрамон руҳиятидаги мураккаб жараён – ўй-фикрлар кураши аҳамиятга молик. Иккиланишлар, гумонлар, ўзининг хоҳишлари билан кескин қарама-қаршилик Мартин ва Маҳкам образларининг моҳиятини ташкил этади. Қаҳрамонлар қалбида ички зиддиятни пайдо қилган омиллар, аслида, муаллифлар мансуб муҳит кишилари онгида пайдо бўлган мафкуравий курашлар инъикосидир. Ҳар икки романда бош қаҳрамонларнинг зиддиятли танловга дуч келишларида, образлар тизимининг икки қутбга бўлинганида муайян умумийлик кузатилди. Бундай ўхшашликларнинг ижтимоий-тарихий асосларини таҳлил қилиш мумкин.

П.Қодировнинг Маҳкам образи ҳам Мартин каби шиддатли ички кураш йўлини босиб ўтади. Унинг *энг катта интилиши – одамларга кўпроқ нафи тегадиган натижаларни иш қилиш*. Маҳкам олийгоҳга янги келган эмас, юқори курс талабаси. Бироқ асар воқеалари Маҳкамнинг зимдан содир бўлаётган мафкуравий курашларда ҳақиқатнинг тагига етиш жараёни атрофида кечади. Ушбу зиддиятларда Ҳакимов ва Эшонбоевнинг тутган йўллари ҳақми? Акбаров, Тошев каби тарихчилар жазога лойиқми? Саволлар Маҳкам қалбида икки қарама-қарши мулоҳазани келтириб чиқаради: *Тўғри йўл – тарихга мафкуравий ёндашиш; тўғри йўл – тарихга объектив ёндашиш*.

“Эроусмит” романида Мартиннинг шифокор сифатидаги саргузаштлари замирида С.Льюис ўша даврда жамиятда содир бўлаётган шахслараро муносабатларни, уларнинг руҳий-маънавий оламидаги қадриятлар эврилишларини холис тасвирлайди. 1920-йилларда Америка жамиятида шиддат билан ривожланаётган моддиончиликнинг салбий оқибатларини индивидуал шахс тақдири орқали бадиий ифода этади.

Пиримқул Қодиров “Уч илдиз” романида ўтган асрнинг 50-йиллари содир бўлган муҳим воқеаларни, шахсга сиғинишнинг ижтимоий ҳаётга, мафкурага етказган салбий оқибатларини бадиий акс эттиради. Тарихчи олим Абдуқаҳҳор Иброҳимов рост тарих – ҳақиқий тарих эканлигини изоҳлар экан, шундай ёзади: “Сохталаштирилган тарих лойқаланган сувга ўхшайди. Вақт ўтиши билан лойқа сув тинади, хас-хашаклар сув бетига чиқади, куйқалар сув остига чўқади. Сув ножинсларни ўз бағридан чиқариб ташлайди, яна ўз ҳолига қайтади. Мусаффо бўлиб, яъни кислород ва водород унсурларидангина иборат бўлиб қолади. Тарих ҳам шундай” [Иброҳимов А., 2011; 258]. “Уч илдиз” романининг қаҳрамонлари тарихни соф сақлашни ўзларининг олий бурчи деб билади. Улар – тарихни сохталаштирмаслик ва герменевтик мувозанатни сақлаш учун ўз ҳаловатидан, шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёр фидойи олимлар. Хусусан, сиёсий таъқиблар, бўҳтон қилишлар эҳтимоли катта бўлган ўша йилларда фидойи тарихчи бўлиш – ҳақиқий қаҳрамонлик, маънавий жасорат эди. П.Қодировнинг илк романи ана шу ғоявий мазмунни бадиийлаштирган асар сифатида адабиёт

мулкида ўз ўрнини топди.

Қиёсий таҳлилнинг муҳим қоидаларидан бири тадқиқ қилинаётган объектлар ҳақида тўлиқ хулоса чиқаришга таъсир қиладиган барча омиллари назардан четда қолдирмасликдир. Қатор компаративистлар қиёсий тадқиқот объектларига статик эмас, балки динамик ҳодиса сифатида ёндашиш лозимлигини таъкидлаганлар. Жумладан, Г.Халлиеванинг куйидаги фикрлари аҳамиятга молик: “Ўрганилаётган объектларнинг статистик манзараси уларнинг динамик хусусиятлари билан тўлдирилиши, тадрижий тақомили кўрсатилиши керак” [Халлиева Г.И. 2020; 35]. Демак, қиёсий тадқиқотларда ушбу жиҳатлар инobatга олиниши мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Замонавий компаративистик қарашлар бўйича адабий таъсир ва адабий ўзлаштириш ижодий жараённинг тенг қисмлари ҳисобланади. Шарқ ва Ғарб бадиий тафаккурларидаги алоқадорлик асарларнинг бадиий қатламларида муштарак хусусиятлар: ўхшаш мавзулар, мотивлар, сайёр сюжетлар каби бадиий ҳодисаларнинг вужудга келишига имконият яратади. Ҳозирги кунда миллий истиқлолга эришган давлатларда қиёсий адабиётшунослик жадал ривожланмоқда. Биринчидан, ушбу йўналиш миллий адабиётни баҳолашга янгича мезонларни тақдим этса, иккинчидан, миллий адабиётга хос ҳодисаларнинг моҳиятини халқаро контекстда намоён қилишда қиёсий адабиётшуносликнинг аҳамияти улкан эканлиги шубҳасиз.

Демак, адабий-қиёсий тадқиқотлар миллий адабиётларни жаҳон адабиёти тизимидаги мустақил элементлар эканлигини исботлайди ва ундаги индивидуал хусусиятларни яққол намоён этади, миллий адабиётимизда жанрларни канонлаштириш ва улар таърифини ишлаб чиқиш жараёнининг объектив бўлишига хизмат қилади, миллий адабиётимиз моҳиятини жаҳон контекстида тўлақонли намоён бўлишини таъминлайди, миллатлараро тотувликка, маданиятлараро ҳамкорликка чорлайди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Bassnet, S. (1993). *Comparative literature: A Critical introduction*. Oxford: Blackwell.
2. Coard, L.R. (1985). Max Gottlieb and Sherlock Holmes. *Modern Fiction Studies*, 31(3), 565-571. The John Hopkins University Press.
3. Culler, J. (1979). *Comparative literature and literary theory* (p.84).
4. Domínguez, C., Haun, S., & Darío, V. (2015). *Introducing comparative literature: new trends and applications*. London and New York: Taylor & Francis Books.
5. Dyurishin, D. (1979). *Teoriya sravnitel'nogo literaturavedeniya* (317 s.). Moskva: Progress.
6. Etiemble, R. (2013). *Do we have to revise the notion of world literature?*. London: Routledge.
7. *Falsafa asoslari*. (2005). (382 b.). Toshkent: O'zbekiston NMIU.
8. Gilenson, A.B. (2003). *Istoriya Amerikanskoy literaturi v SSHA* (360 s.). Moskva: Akademiya.
9. Guillen, C. (1993). *The Challenge of comparative literature*. Cambridge, MA: Harvard University Press.
10. Ibrohimov, A. (2011). *Bizkim, O'zbeklar* (258 b.). Toshkent: Sharq NMAK.

11. Jirmunskiy, V.M. (1958). *Epicheskoye tvorchestvo slavyanskix narodnostey i problemi sravnitel'nogo izucheniya eposa* (ss. 149 , 435). Moskva: Akademiya nauk SSSR.
12. Jirmunskiy, V.M. (1978). *Bayron i Pushkin* (391 s.). Leningrad: Nauka..
13. Karimov, B. (1993). Ingeborg Baldauf aytadiki. *O'zbekiston aadabiyoti va san'ati*.
14. Karimov, N., Mamajonov, S., Nazarov, B., Normatov, U., Sharafuddinov, O. (1989). *XX asr o'zbek adabiyoti tarixi* (516 b.). Toshkent: O'qituvchi.
15. Kokorin, A.A. (2009). *Sravnitel'nyy analiz: teoriya, metodologiya, metodika* (ss. 31-32). Moskva: Izdanie MGOU.
16. Konrad, N.I. (1972). *Zapad i vostok: Stat'i* (izd. 2-ye). Moskva.
17. Light, M. (1976). Lewis and Cervantes. *Review*, 50(3), 277-279. The University Nebraska Press.
18. Lyuis, S. (1973). *Bebbit. Errousmi* (ss. 5-20). Moskva: Xudojestvennaya literatura.
19. Miner, E. (1990). *Comparative poetics. An Intercultural essay on theories of literature*. Princeton: Princeton University Press.
20. Qosimov, A. (2007). Tipologik o'xshashliklar va o'zaro ta'sirning nazariy muammolari (A.de Sent-Ekzyuperi va A.Kamyu ijodi misolida). *Filol. fan. dok. diss.* (24-b.). Toshket.
21. Quronov, D., Mamajonov, Z., Sheraliyeva, M. (2016). *Adabiyotshunoslik lug'ati* (406 b.). Toshkent: Akademnashr.
22. Raximov, X.R. (2018-yil 15-sentabr). *O'zbek adabiyotining xalqaro aloqalari yoki ona tildan chet tilga tarjima qilish muammolari*. Zamonaviy leksikografiya, frazeografiya va tarjimashunoslik masalalari. Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallar to'plami (31-43-b.). Andijon.
23. Remak, Henry, H.H. (1980). *The Future of comparative literature*. Proceedings of the International Comparative Literature Association (pp. 429-37). Stuttgart: Erich Bieber.
24. Shonazarov, Yu. (1987). Qiyosiy adabiyotshunoslikning ba'zi masalalari. *O'zbek tili va adabiyoti*, 1, 66-70.
25. Spivak, G. (2003). *Death of a discipline*. New York: Columbia University Press.
26. Sulaymonova, F. (1997). *Sharq va g'arb*. Toshkent: O'zbekiston.
27. Uellek, R., Uellek, O. (1949). *Teoriya literaturi* (s. 323). Moskva: Progress.
28. Veselovskiy, A.N. (1940). *Istoricheskaya poetika* (498 s.). Moskva: Visshaya shkola.
29. Wellek, R. (2009). *The Crisis of comparative literature* (p. 72). Princeton UP.
30. Xalliyeva, G. (2019). *Qiyosiy adabiyotshunoslik* (48-b.). Toshkent: Akademnashr.
31. Xrapchenko, M.B. (1977). *Tvorcheskaya individualnost pisatelya i razvitiye literaturi* (s. 270). Moskva:Xudojestvennaya literatura.
32. Xudoyberdiyev, E. (2008). *Adabiyotshunoslikka kirish* (oliy o'quv yurtlari talabalar uchun darslik) (368 b.). Toshkent: Sharq.

REFERENCES

1. Bassnet, S. (1993). *Comparative literature: A Critical introduction*. Oxford: Blackwell.
2. Coard, L.R. (1985). Max Gottlieb and Sherlock Holmes. *Modern Fiction Studies*, 31(3), 565-571. The John Hopkins University Press.
3. Culler, J. (1979). *Comparative literature and literary theory* (p.84).
4. Domínguez, C., Haun, S., & Darío, V. (2015). *Introducing comparative literature: new trends and applications*. London and New York: Taylor & Francis Books.
5. Dyurishin, D. (1979). *Theory of comparative literature* (317 p.). Moscow: Progress.
6. Etiemble, R. (2013). *Do we have to revise the notion of world literature?*. London: Routledge.
7. *Fundamentals of philosophy*. (2005). (382 p.). Tashkent: Publishing House of Uzbekistan.
8. Khallieva, G. (2019). *Comparative literature* (p. 48).Tashkent: Akademnashr.
9. Khrapchenko, M.B. (1977). *The individuality of the artist and the progress of the literature* (270 p.). Moscow: Fiction.
10. Khudoiberdiyev, E. (2008). *Introduction to literary studies* (A Textbook for students of

- higher education). Tashkent: Shark.
11. Kokorin, A.A. (2009). Comparative analysis: theory, methodology, technique (pp. 31-32). Moscow: MGOU Press.
 12. Konrad, N.I. (1972). *West and east: Articles* (2nd ed.). Moscow.
 13. Kasimov, A. (2007). Typological similarities and theoretical problems of interaction (on the example of the works of A. de Saint-Exupery and A. Camus). *DSc diss. in phil. scien.* (24 p.). Tashkent.
 14. Kuronov, D., Mamajonov, Z., Sheralieva, M. (2013). *Dictionary of literary terms* (406 p.). Taskent: Akademnashr.
 15. Light, M. (1976). Lewis and Cervantes. *Review*, 50(3), 277-279. The University Nebraska Press.
 16. Lyuis, S. (1973). *Babbitt. Arrowsmit* (pp. 5-20). Moscow: Fiction.
 17. Miner, E. (1990). *Comparative poetics. An Intercultural essay on theories of literature*. Princeton: Princeton University Press.
 18. Rakhimov, X.R. (2018, September 15). *International relations of Uzbek literature or problems of translation from the native language into a foreign language*. Issues of modern lexicography, phraseography and translation studies. Proceedings of the Republican scientific-practical conference (pp. 31-43). Andijan.
 19. Remak, Henry, H.H. (1980). *The Future of comparative literature*. Proceedings of the International Comparative Literature Association (pp. 429-37). Stuttgart: Erich Bieber.
 20. Shonazarov, Yu. (1987). Some aspects of comparative literature. *Uzbek language and literature, I*, 66-70.
 21. Spivak, G. (2003). *Death of a discipline*. New York: Columbia University Press.
 22. Sulaymonova, F. (1997). *East and west*. Tashkent: Uzbekistan.
 23. Veselovskii, A.N. (1940). *Historical poetics* (488 p.). Moscow: Higher Education.
 24. Wellek, P., & Warren, O. (1949). *Literature theory* (323 p.). Moscow: Progress.
 25. Wellek, R. (2009). *The Crisis of comparative literature* (p. 72). Princeton UP.
 26. Zhirmunsky, V.M. (1958). *Epic creativity of the Slavic peoples and the problems of the comparative study of the epic* (pp. 149, 435). Moscow: Academy of Sciences of the USSR.
 27. Zhirmunsky, V.M. (1978). *Byron and Pushkin* (391 p.). Leningrad: Science.
 28. Gilenson, A.B. (2003). *History of American literature in the USA* (360 p.). Moscow: Academy.
 29. Guillen, C. (1993). *The Challenge of comparative literature*. Cambridge, MA: Harvard University Press.
 30. Ibrohimov, A. (2011). *We are Uzbeks* (258 p.). Tashkent: Shark Publishing and Printing Joint-Stock Company.
 31. Karimov, B. (1993). Ingeborg Baldauf says. *The Literature and Art in Uzbekistan*.
 32. Karimov, N., Mamajonov, S., Nazarov, B. (1989). *History of Uzbek literature of the XX century* (516 p.). Tashkent: Teacher.